

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРОЗИҚОВ АКМАЛ АБДУРАШИДОВИЧ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ТАДБИРҚОРЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА РИВОЖЛАНИШИ (1991-2020 йй)**

**07.00.01- Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

УЎК: 338.486.4(575.121)“1991/2020”

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of abstract of the doctor of philosophi(PhD) dissertation**

<b>Марозиқов Акмал Абдурашидович</b> Фарғона вилоятида тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши (1991-2020 йй.).....	3
<b>Марозиқов Акмал Абдурашидович</b> Формирование и развитие предпринимательство в Ферганской области (1991-2020 гг.).....	25
<b>Marozikov Akmal Abdurashidovich</b> Establishment and development of entrepreneurship in Fergana region (1991-2020) .....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ Listofpublications.....	49

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРОЗИҚОВ АКМАЛ АБДУРАШИДОВИЧ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА РИВОЖЛАНИШИ (1991-2020 йй)**

**07.00.01- Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1. PhD/Tar283 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Расулов Абдулла Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Рахматуллаев Шавкат Муҳаммадалиевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодийёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019. Tag.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «12» *Август* *14* даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24, e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*57* рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2021 йил " " \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил « » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақами билан реестр баённомаси)



**Ў.М.Мавлонов**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

**Б.Хайназаров**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**Н.У.Мусаев**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни ривожлантириб, мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу тадбиркорликка кенг йўл очишдир. Ҳар бир давлат кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир мақсадли ва қатъий иқтисодий сиёсат юритар экан, албатта ўз ҳудудида яшовчи аҳолининг менталитетини, иқтисодиётдаги тузилмаларининг ўзига хос хусусиятларини, иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини ва шу каби бошқа омилларни ҳам инобатга олади. Айти пайтда тадбиркорликнинг ривожлантирилиши мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаи сифатида ижтимоий муаммоларни бартараф этишда катта роль ўйнайди, бандлик муаммоларини ҳал этиш, миллий бойликни ўстириш ва миллатнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Дунё миқёсида тадбиркорлик фаолияти асослари, ривожланган давлатларда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими, кичик бизнес, кластер тизимида тадбиркорлик ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, тадбиркорлик муҳити шаффофлиги ва жозибадорлигини ошириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тадбиркорлик мавқеини мустаҳкамлаш қатор мамлакатларда давлат сиёсати билан белгилаб берилган ҳамда ривожланишнинг ўзига хос дастаги сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритилиши билан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни устувор ривожлантиришдан иборат бўлди. Бугунги кунга келиб, тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари мамлакат халқ хўжалигининг барча жабҳаларида, халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни яратиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади”<sup>1</sup>. Айти пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрта синфини шакллантириш, уларга максимал қулай шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш билан амалий натижаларга эришиш, шунинг баробарида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили сифатида тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июль «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 7 июнь «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777-сон Қарори, 2019 йил 28 июнь «Фарғона водийсида тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий – маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга оид адабиётларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш: биринчи гуруҳга, тарихчи олимлар томонидан мустақиллик йиллари яратилган асарлар, иккинчи гуруҳга, иқтисод фани доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ва учинчи гуруҳга хорижий адабиётларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Биринчи гуруҳ доирасида мустақиллик йиллари хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, деҳқон, фермер хўжаликлари ҳақида бир қатор таҳлилий изланишлар олиб борилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масаласига бағишланган монографияларда тадбиркорлик ва кичик бизнес муаммоси алоҳида ўрганилмаган бўлсада, уларда бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ жараёнлар, амалга оширилган ислоҳотлар, мамлакат халқ хўжалигида олиб борилган ишлар доирасида кичик бизнеснинг ривожланиш босқичлари таҳлил этилган<sup>2</sup>.

Тарихчилар томонидан яратилган адабиётларга аввало Ш.М.Рахматуллаевнинг илмий тадқиқот изланишларини киритиш мумкин<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш.М., Турсунова Р.Ю., Назаров Р.Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е издание (исправленное и дополненное). -Ташкент. Адабиёт учкунлари, 2016. – С.376.; Новейшая история Узбекистана (1991-2016 гг.): (Коллективная монография). - Ташкент. Фан, 2019. – С. 440.

<sup>3</sup> Рахматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарлари иқтисодиёти мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991-1996 йй) // Фарғона водийси тарихидан мавзусидаги республика илм. Анж. мат. - Тошкент. 2009.; Рахматуллаев Ш. Фарғона водийси вилоятларининг ижтимоий-демографик хусусиятлари // “Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар” мавзусидаги Респ. ёш олимларининг биринчи илмий конф. мат. тўплами.-Тошкент. 2009.-316-321 бетлар.; Ўша муаллиф: XX аср охири-XXI аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-демографик жараёнларнинг хусусиятлари // «Фарғона водийси

Муаллиф республиканинг фақат водийдаги уч – Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг ижтимоий-демографик жараёнларини, иқтисодий масалалар доирасида тадбиркорликни ривожланишини ҳамда водийга хос умумий жиҳатларни тадқиқ этиб бораётганлигини таъкидлаш зарур. Мавзуга яқин бўлган масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки, саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёнлари ҳамда мамлакат хусусий тадбиркорлигига хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларига доир каби мавзуларда тадқиқотлар олиб борилганлигини таъкидлаш лозим<sup>4</sup>. Жумладан, шу йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орасида диссертациянинг объекти ёки предметини қисман қамраб олган ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>5</sup>.

Иккинчи гуруҳга мулкчилик муносабатлари, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес муаммолари билан Ўзбекистон олимлари, хусусан иқтисодчилар асарларини киритиш мумкин<sup>6</sup>. Уларда республикада содир бўлаётган институционал ўзгаришлар, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва уларнинг натижалари, янги иқтисодий муносабатларни вужудга келишида давлатнинг роли каби қатор муаммолар ёритилди. Қолаверса илмий тадқиқот ишларида кичик бизнесни бошқариш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асослари, иқтисодиётни эркинлаштиришда кичик

---

тарихи янги тадқиқотларда» мавзуси-даги Рес. илм.-амал.конф. мат.. 2015 йил 24 апрель. Андижон, 2015. Б. 408-411.; Ўша муаллиф: Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). – Тошкент. 2017.-38-43 бетлар.

<sup>4</sup> Холикулова Ш. Из истории усиления внимания к малому бизнесу и частному предпринимательству оазиса нижнего Зарафшана // SCIENCE, RESEARCH, DEVELOPMENT #30 Czestochowa 29.06.2020-30.06.2020.; Балтабаева.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар). Тарих фан. номз. илм. дараж. олиш учун ёз. дисс. ...-Тошкент. 2019.; Рашидова Ф.Ш. Зарубежные инвестиции в формировании и развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан (истор. аспект). Дисс... докт фил. По ист наукам. Т., 2019.; Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида мулкчилик ва тадбиркорликнинг аҳволи: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар // O'zbekistonda ijtimoiy Fanlar. 2019. -№2-3.; Tolipov F. O'zbekistonda biznes va tadbirkorlik sohasini soliqqa tortish tizimi tarixi: imtiyozlar va preferensiyalar // Toshkent Davlat pedagogika univrsiteti Ilmiy Axborotlari ilmiy-nazariy jurnali. 2020. -№ 9 son. Va б.

<sup>5</sup> Ўроқова Н.С. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих. фан. ном. ... дис.Т., 2004; Тўхтабоева Д.Э. Фарғона водийси вилоятларидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991 – 2016 йй.). тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т., 2019. -45б. Ва б.

<sup>6</sup> Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарқ, 2002.-369 б.; Вахобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар.-Т.: Шарқ, 2003.-320 б.; Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.- Т.: ТМИ, 2005. – 196 б.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.-Т., 2004. И.ф.д. дисс. автореф.-40 б.; Мусаева С. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг таркибий-ижтимоий муаммолари (Фарғона вилояти кичик корхоналари мисолида). Иқт.ф.н.илм.дар.дисс.-Фарғона. 2005., Муродова Н.Қ. Кичик бизнес субъектлари-нинг тадбиркорлик фаоллигини ошириш йўналишлари. И.ф.н. дисс. Навоий, 2008. – 149 б.; Шарипов Ғ.П. Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли. Иқт.фан.ном. дисс.... -Т., 2008.-159 б. Рахмонов Х.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шариоитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Бухоро вилояти мисолида). Иқт.фан.докт. дисс. Автореф. – Т.: ТДИУ, 2010.; Абдурахмонова М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. илм.дар.олиш учун ёз.дис. автореф. – Тошкент. ТМИ. 2011.- 28 б. ва бошқ.

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қуватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шу билан бирга, иқтисодчилар томонидан айнан шу масалаларга бағишланган бир қанча мақолалар ҳам чоп этилган<sup>7</sup>.

Учинчи гуруҳга хориж адабиётлари киритилди. Уларда инновацион кичик бизнесни ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тамойиллари ва айрим методологик муаммоларни таҳлил қилишга бағишланган бир қатор асарлари мавжуд<sup>8</sup>. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик маъноси ҳақида ҳам турли қарашлар бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида уни бошқалардан ажратиб турадиган турли сифатдаги кўрсаткичларга қараб, хориж муаллифлари уни қуйидагича таърифлайдилар. Масалан, ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, хўжалик фаолиятидаги асосий хал қилувчи шахс<sup>9</sup>, инноватор<sup>10</sup>, бозорнинг асосий фигураси<sup>11</sup>, шахснинг алоҳида типи<sup>12</sup> ва бошқалар. Бу манбалар ишни ёритишда ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**  
Диссертация иши Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари” фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақиллик йиллари Ўзбекистон, хусусан Фарғона вилоятида тадбиркорликка яратилган шароитлар, кичик бизнесни ривожланиши, ташкилий асослари, натижаларини очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида давлат сиёсатининг

<sup>7</sup> Олимжонова Ш. Илк қалдирғочлар ёки фермер хўжалиги хусусида // Ҳаёт ва иқтисод.-№3, 1992.; Ғойибназаров Б. Ишбилармонлик ва деҳқон хўжаликлари (ёки Фарғона вилояти Бешариқ район деҳқон (фермер) хўжалиқларини ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг иқтисодий фаолиятини танланма кузатиш усулида ўрганиш натижалари) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. -№10.; Ғофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. -№11.; Раҳмонов Р. Минтақаларни экспорт салоҳияти бўйича рейтинглаш // Иқтисод ва молия. 2010. -№7.; Турдиев У., Карабаев Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асоси // Иқтисод ва молия. 2011. -№9.; Исроилова Ҳ.М. Фарғона вилоятида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари // Иқтисод ва молия. 2012. -№10.; Зокиров Ш.Э., Қурбонов Ж.Қ. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишнинг минтақавий хусусиятлари // Иқтисод ва молия. 2016. -№8. Ва б.

<sup>8</sup> Рунова А.В. Системы поддержки и развития малого предпринимательства в зарубежных странах // Федеральный фонд поддержки малого предпринимательства.-Москва. 2001. -С.182. Лебедев Л.Ф. Государственная политика США в сфере малого бизнеса // Человек и труд 2009. -№3, -С.43.; Власова В. Основы предпринимательской деятельности.-Москва. Финансы и статистика, 1996. -С.106.; Колесникова Л.А. Предпринимательство и малый бизнес в современном государстве: управление развитием.- Москва. Логос, 2000.-С.290.; Шурус А. Система поддержки малого предпринимательства // Российский экономический журнал. 1997. -№7-8, -С.64.; Шубин А.В.Взаимодействие малых и крупных предприятий. Автореф. Дисс. ...на соиск. уч.степ. к.э.н. - Москва. 2008. – С.15.;

<sup>9</sup> Хруцкий Б. Как стать предпринимателем. США: экономика, политика, идеология. 1992. -№9, -С. 90.

<sup>10</sup> Шепелев В. Предприниматель в оценке ученых. Частная собственность. ЭКО. 1996. -№20, - С. 10.

<sup>11</sup> Скрипков В. Штрихи к социальному портрету. // ЭКО. 1991. -№10, - С. 123.

<sup>12</sup> Смолков В. От монополизма к рынку. -СПб. Изд. СПб УЗФ, 1993. –С. 16.



босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш;

қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш стратегиясининг босқичларини тизимли асосда кўриб чиқиш;

Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий хусусиятларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрнини кўрсатиб бериш;

вилоятда тадбиркорликнинг йўлга қўйилишининг натижалари ва муаммоларини ўрганиш;

Фарғона вилоятида тадбиркорлик борасидаги халқаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

вилоятдаги миллий ҳунармандчилик соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишини илмий-назарий таҳлил этиш;

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг ютуқ ва муаммоларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мустақиллик йилларида Фарғона вилоятида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг шаклланиши ва ривожланиши олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Фарғона вилоятидаги шаҳар ва туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши, қишлоқ хўжалигида нодавлат сектори – фермерликга ўтилиши ва муаммолари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик тамойили ва тизимли, таҳлил, қиёсий-хронологик, тузилмавий, кетма-кетлик, холислик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш дастлаб хусусийлаштириш ҳамда кичик мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодиётга хусусий капитални жалб қилиб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш, тадбиркорлик соҳасини эркинлаштириш, меъёрий хужжатлар қабул қилиш, тадбиркорлик улушининг кўпайиб боришига эришиш, қўлга киритилган тажрибани холис баҳолаб, ислохотларни янада чуқурлаштириш каби беш босқични босиб ўтганлиги аниқланган;

Фарғона вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудда шакланган маҳаллий хусусиятлар - демографик жараёнлар, урбанизация жараёнлари, табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва меҳнат ресурслари мавжудлиги ҳамда қадимдан ривож топган, ўзига хос мактаб яратган деҳқончилик маданияти билан боғлиқ эканлиги аниқланган;

мустақиллик йиллари Фарғона вилояти аграр тармоғи тадбиркорликнинг бир йўналиши сифатида шакланганлиги, бу борада бир неча юз йиллик тажрибаларни қўллаган ҳолда ерга ишлов бериш ва ундан фойдаланиш билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 50 фоизини аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликлари етиштирганлиги, бу асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришдаги барқарорликни сақлаб қолишга хизмат қилаётганлиги исботланган;

мустақилликнинг илк йилларида вилоятда маҳаллий хусусиятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқарувчи ёрдамчи хўжаликлар шаклида тикувчилик, текстиль, курувчилик цехлари очилганлиги, савдо-сотик билан шуғулланувчи тадбиркорлар ортиб борганлиги, улар баъзи маъмурий тўсиқларга дуч келганлиги сабабли самарадорликни талаб даражасида таъминлашга имкон бўлмаганлиги далилланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва унинг натижалари, бу борадаги муаммолар, уларни баратараф этиш борасидаги Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрилган чора - тадбирлар, Фарғона вилоятида деҳқончиликнинг устунлиги, у ерда тадбиркорликни яратиш учун имкониятлар мавжудлиги, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги муаммолар тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг мустақиллиги даври тарихини ёзишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

мустақиллик йиллари тадбиркорлик фаолияти тарихига бағишланган барча турдаги адабиётлар ва манбаларнинг ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатлари шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тарих фанида тан олинган ёндошув ва усулларнинг қўлланилгани, манбалардан фойдаланилгани, бирламчи манбаларга таянилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларни амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг турли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мутақиллик йиллари Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиши ва унинг оқибатлари тарихи мавзусини тарихийлик, холислик, тизимлилик тамойиллари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик-услубий ёндошувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини ёзишда, тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши, янги иш ўринлари яратилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини тадқиқ этишга бағишланган мақсадли давлат дастурларини бажарилишига қўл келади ҳамда янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажариши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақиллик йиллари Фарғона вилоятида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг шаклланиши ва ривожланиши, ташкилий асослари борасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқотлар натижаси асосида:

мустақиллик йиллари тадбиркорлик, хусусан, фермер хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолини энг аввало маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш

саноатини ривожлантириш ва уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Вилоят кенгаши билан ҳамкорликда вилоятнинг Фурқат, Ўзбекистон, Боғдод, туманларидаги мактабларда ўтказилган “Тадбиркорлик ёшлар нигоҳида”, “Тадбиркорлик ва ёшлар” мавзуларидаги давра суҳбатларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги 04-13/2307-сон маълумотномаси). Натижада ёшларда мустақиллик йиллари Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида маълумотларга эга бўлишига имкон берган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Бувайда, Бешариқ, Қува ва Тошлоқ туманларидаги хўжаликларда ғишт цехи, тикувчилик, оҳак, қандолатчилик, кулолчилик, гилам тўкиш, дурадгорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги, бу цехларда кўплаб аҳолининг иш билан таъминланганлиги, ўтган йиллар мобайнида Фарғона вилоятининг Кўкон, Қува, Фарғона каби шаҳарларида, Тошлоқ, Бешариқ каби туманларда экспорт ҳажмларининг ошиб борганлиги ҳақидаги маълумотлар орқали вилоятда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга яратилган имкониятлар ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг чора-тадбирлар режаси ҳамда дастурларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 7/05-16-8324-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона вилоятининг Кўкон, Қува, Фарғона шаҳарларида, вилоятнинг Тошлоқ, Бешариқ туманларидаги тадбиркорларнинг мурожатномаларни ҳал қилишда, тадбиркорларга вилоятнинг тарихий-географик жойлашуви бу ерларда қадимдан деҳқончилик маданиятининг шаклланишида муҳим рол ўйнаганлиги, тарихий тажриба бугунги шароитлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик, деҳқончилик анаъаналарини давом эттиришда муҳим омил бўлаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган;

Фарғона вилоятида олиб борилган ислоҳотлар давомида вилоятнинг деярли барча туманларида мева-сабзавот етиштириш даражаси юқорилиги, мавжуд деҳқон хўжаликларининг асосан нотехник экинлар экиши, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг ривожланишига асос бўлиши ҳамда аҳоли бандлиги ошиб боришига имкон яратиши каби натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатувида фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 27 октябрдаги 02-40-1013-сон маълумотномаси). Бу телетомошабинларда Фарғона вилоятининг имкониятлари, республиканинг бошқа вилоятлари қаторида деҳқончилик, хусусан мева-сабзавот етиштиришдаги ўрни ҳамда Ўзбекистоннинг хорижга чиқараётган маҳсулотлари ва дунё давлатлари орасидаги ўрнини белгилашда вилоятнинг кўшган хиссаси ҳақида

маълумотларга эга бўлишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференцияда: 2018 йил Россия Федерациясида ўтказилган “Единство и идентичность науки: проблемы и пути решения” мавзусидаги ҳамда 2020 йил “Наука и техника. Мировые исследования” мавзуларидаги халқаро илмий-амалий анжуманларда, 2018 йил “Тарихий манбашунослик муаммолари” мавзусидаги, 2019 йил “Ўзбекистон тарихи фани ва илмий тадқиқотларидаги инновацияларни ўқув жараёнига жорий этишнинг долзарб масалалари”, 2019 йил “Ўзбекистоннинг стратегик тараққиётида туризм: муаммолар ва истиқболли режалар” каби мавзуларидаги республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола, 8 та республика ва хорижий илмий – амалий анжуманларда материаллар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳамжи** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 145 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг мақсади ва вазибалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

*“Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлат сиёсати ва ҳудудий шарт-шароитлари”* деб номланган биринчи бобда мустақиллик йиллари Ўзбекистон, хусусан, Фарғона вилоятида тадбиркорликка кенг йўл очилиши ва унинг қонуний асосларини яратилиши таҳлил этилган.

XX аср охирига келиб, совет давлати, унинг таркибига кирган Ўзбекистонда 70 йилдан ортиқ вақт давомида амалга оширилган “ғоявий хуруж” натижасида иқтисодиётда асрлар давомида шаклланиб келган хусусий мулкчиликни жамият ҳаётидан юлиб ташлашга ҳаракат қилинди. Фақат мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган механизмни жорий этиш

ислохотларнинг стратегик йўналиши сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистонда ўтказилган ислохотлар - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, иқтисодийни модернизациялаш ва ривожлантиришнинг мақсади, вазибалари ва тармоқ дастурларига мувофиқ равишда бир неча босқичларни босиб ўтди. *Биринчи босқич* - 1991–1996 йилларга тўғри келди. Илк босқич иқтисодийни тартибга солишнинг бозор воситаларига ўтилиши жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бошланиши ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асоси бўлган кичик мулкдорлар синфининг шакллантирилишидан бошланди. *Иккинчи босқич* - 1996 - 2000 йилларни ўз ичига қамраб олди. Ушбу давр мамлакат ҳаётида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан таснифланади. Айни вақтда бу босқич мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан, кичик бизнес учун ҳам ҳақиқий синов даври бўлди. *Учинчи босқич* – 2000–2010 йилларга тўғри келди. Бу босқичда хусусий тадбиркорликни кенг қўламда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва уни кафолатлашга қаратилган қатор ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар хусусий секторни миллий иқтисодиётдаги улушини оширишнинг асосий стратегияси билан бирга тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини<sup>13</sup>, ягона солиқ тўловини жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштиришни таъминлади. 2000-2010 йиллар давомида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 2 баробар ошди<sup>14</sup>. *Тўртинчи босқич* – 2010 йилдан бошланиб 2017 йилга қадар давом этди. Бу 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда 2008 йилдаги инқирозга қарши чоралар Давлат дастуридан келиб чиққан бўлиб, унда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича пухта чора-тадбирлар амалга оширилди, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Аммо техник тайёргарлик даражасининг пастлиги ва молиявий маблағлар билан етарли таъминланмаганлик, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан узвий ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги, инновация инфратузилмасининг талаб даражасида ривожланмаганлиги ҳамда кадрлар тайёрлаш муаммолари кичик корхоналарнинг инновацион фаоллигининг суст ривожланишига олиб келди. *Навбатдаги босқич* - 2017 йилдан бошланди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги сифат жиҳатидан янги босқич, 2016 йилдан бошланди. 2016 йил 4 январдан “Ягона дарча” марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Кичик

<sup>13</sup> Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. – Восемнадцатые Международные Плехановские чтения «Реформирование и модернизация национальной экономики – стратегический курс на демократизацию и обновление общества». / Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов практиков (26 марта 2005 г). Выездная сессия в г. Ташкенте. – Москва. Изд. РЭА, 2005. – С.22-23.

<sup>14</sup> МДХ давлатларининг кўрсаткичлари 2009 йил учун олинган. Манба: МДХ статистика қўмитаси.

бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар интеграциялаштирилди. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎР Қонунини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жавобгарликни либераллаштириш каби бир қанча вазифалар белгиланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган чора-тадбирлар қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга кенг йўл очиш ва ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев бу борада “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак”, деб алоҳида таъкидлади<sup>15</sup>.

Ўтган қисқа вақт давомида миллий иқтисодий тизимни барқарор ривожда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳам жиддий эътибор мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилди. 2017 йилнинг ўзида мамлакатда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та sanoat зонаси фаолияти йўлга қўйилди<sup>16</sup>. 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури доирасида 21 трл. сўм ва 1 млрд. долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. “Ҳар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар-келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 трл. сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди<sup>17</sup>. 2019 йилда эса “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 трлн. сўм кредитлар ажратилди<sup>18</sup>. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бериб, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги халқаро рейтингига ҳам ижобий таъсир этди.

Ўзбекистонда минтақаларнинг ривожланиш хусусиятларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, Фарғона минтақаси Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашганлиги, ўзининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа бир қатор жиҳатларига кўра бошқа минтақалардан ажралиб туриши бу ерда асосан қишлоқ хўжалик соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига замин яратилган<sup>19</sup> бўлиб, XX аср охирига келиб, Фарғона вилояти ҳудудида шаклланган маҳаллий хусусиятлар қуйидагиларни ўзида қамраб олди: *Биринчи хусусияти* демографик жараёнлар таъсирида шаклланганлигидир. Маълумки, республика умумий ер майдонининг фақат 4 фоизни эгаллаган Фарғона водийси

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи 2017 йил 23 декабрь.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 28 декабрь.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

<sup>19</sup> Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарлари иқтисодиёти мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991-1996 йй) / Фарғона водийси тарихидан мавусидаги республика илмий анжуман материаллари. – Тошкент. 2009. -388 бет.

вилоятларида республика аҳолисининг деярли 30 фоизи жамланган. Бу эса водийда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларга нисбатан аҳолининг ўта зич жойлашганлик хусусиятини келтириб чиқарди<sup>20</sup>. *Иккинчи хусусияти* шаҳарлашиш яъни урбанизация жараёнларига алоқадордир. Фарғона водийси республика ҳудудининг энг кам қисмини эгаллаган, унда шаҳарлар зич жойлашган. Масалан, шаҳарлар жойлашуви республика миқёсида ҳар 1000 км<sup>2</sup> га ўртача 0,5 шаҳар тўғри келса, бу кўрсаткич Фарғона водийсида ўртача 2,2 шаҳарга тенгдир. *Учинчи хусусият*, Фарғона вилоятининг халқ хўжалигининг совет даври ҳамда мустақиллик йилларидаги ўзига хос ривожланиш жараёнлари билан боғлиқ. Совет даврида иқтисодий ютуқларга ҳамда бир ёқлама ривожланиш жараёнларига қарамасдан, вилоят саноати республикада етакчи ўринлардан бирига чиққан эди.

Айни пайтда Фарғона вилоятининг туманларида деҳқон хўжаликларининг сони ортиб бораётганлигини, экин майдонлари бир-биридан фарқ қилиши, кишилар менталитети, табиий иқлими ва тупроқ шароити каби ҳолатлар вилоятнинг ҳар бир туманида маълум бир турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослашувини алоҳида таъкидлаш лозим. Фарғона вилояти агросаноат мажмуининг муҳим хусусияти ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев шундай деган: “Бугунги кунда юртимизда қайта ишланаётган пахта толасининг қарийб 35 фоизи Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни, бу ерда нафақат вилоятнинг ўзидаги, балки қўшни вилоятлардан келтирилаётган пахта толаси ҳам қайта ишланмоқда”<sup>21</sup>.

Умуман, Янгиланган Ўзбекистонда асосий эътибор тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётни изчил тараққий эттиришга қаратилди.

*“Мустақиллик йиллари Фарғона вилоятида тадбиркорлик асосларининг яратилиши ва ривожланиши”* деб номланган иккинчи бобда вилоятда кичик бизнеснинг йўлга қўйилиши ва ривожланиши: ютуқ ва муаммолар, қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари каби масалалар таҳлил этилади.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, иқтисодий муносабатлар хусусиятини тадбиркорлик фаолияти орқали тубдан ўзгартиришга ҳаракат бошланди. Иттифоқ парчаланиши арафасида мамлакат иқтисодиётидаги инқирозий вазиятни ўнглаш, иқтисодиётда боши берк мураккаб вазиятдан чиқиш<sup>22</sup> масаласи кун тартибига қўйилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди, махсус

<sup>20</sup> Раҳматуллаев Ш.М. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). – Т., 2017. – 38 бет.

<sup>21</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т. Ўзбекистон, 2017. – 51-бет.

<sup>22</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991). Иккинчи китоб. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда. ... – 428 бет.

дастурлар ишлаб чиқилди. Хусусийлаштириш борасида давлат сиёсатининг дастлабки босқичлари эса 1992 йилнинг иккинчи ярми ва 1993 йилларга тўғри келди ва у “кичик хусусийлаштириш” деб номланди. Бу жараён натижасида, вилоятда 1993 йилда халқ хўжалигининг турли тармоқларида 4223 та корхона хусусийлаштирилди. Қишлоқ хўжалигида 49 та хўжалик мулкчилигининг нодавлат турига ўтказилди<sup>23</sup>.

Бу йилларда Республика кўчмас мулк биржасининг 1994 йилда ўз фаолиятини бошлаган филиали ҳам алоҳида ўрин тутди. У вилоятда давлат мулки бўлган объектларни рақобат асосида сотиш йўли билан мазкур ҳудудда кўчмас мулклар бозорини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Савдо, маиший ва коммунал хизмат, шунингдек, қурилиши тугалланмаган объектларнинг “ким ошди” савдоларини ўтказиш билан 1996 йилда биржанинг Фарғона филиали орқали сотилган объектлар 1614 тага, баҳоси 164 млн 482 минг сўмга етди. 1993 йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида очилган “Бизнес-фонд”нинг Фарғона филиали ҳам вилоятда 179 нафар тадбиркорга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, маиший хизмат ва туризм соҳаларини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган 128 млн 950 минг сўм, 1999 йилнинг дастлабки ярим йиллигида эса 1764 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратди<sup>24</sup>. 1996 йилда Фарғона вилояти бўйлаб товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бўлимлари очилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси ва ФарДУ таъсисчилигида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш, илғор технологиялар ҳақида маълумот бериш, кичик ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳисоб-китоб, аудит, менежмент, маркетинг соҳаларида фаолият юритувчи “Олтин Водий” бизнес инкубатори ташкил этилди<sup>25</sup>.

Шундай бўлсада бу соҳада бир қатор, жумладан, 1993-1998 йиллар давомида асосан кредит ва хом ашёни олиш, асбоб-ускуналарнинг бошқа давлатлардан келтиришдаги қийинчиликлар, валютани конвертациялаш, ишни бошлаш учун бошланғич капитал йўқлиги ва тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун етарли билим ва тажрибага эга эмаслик каби камчиликлар ҳам бор эди<sup>26</sup>. Жумладан, муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзлар ҳам ошиб борган, қарзлар хўжалик судлари орқали ундирилган. 2004 йилнинг ўзида 751 та хўжалик субъектларида қарздорлик ҳолатларини текширилиши жараёнида 202 та маълумот солиқ ва 1 та маълумот прокуратура идораларига тақдим қилинган, натижада 177 та ҳолатларда корхона раҳбарларига нисбатан 13,7 млн. сўм жарима тўлаш чораси қўлланилган. 2 та

<sup>23</sup> ФВДА. 1220-фонд, 1-рўйхат, 62-йиғма жилд, 39-варақ.

<sup>24</sup> ФВДА. 1220-фонд, 4-рўйхат, 76-йиғма жилд, 12- варақ.

<sup>25</sup> ФВДА. 1220-фонд, 4-рўйхат, 76-йиғма жилд, 12- варақ.

<sup>26</sup> ЎЗР МА М-99, рўйхат - 1, йиғма жилд - 45, 11 варақ.



ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган. 2010 йилнинг дастлабки уч ойида 135 та фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари, 2010 йил 9 ой якунига кўра 204 та фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари қайд этилган. Вилоят Статистика бошқармаси маълумотларига кўра бу корхоналарнинг 62 таси Фарғона вилоят хўжалик суди орқали тугатилган. Шу вақтларда ҳам корхоналарнинг 10 фоизи устав жамғармасини шакллантирмаганлиги, 50 фоизи айланма маблағи етарли эмаслиги, 10 фоизи банкротлиги ва қолган 30 фоизи бошқа сабабларга кўра фаолият кўрсатмай келган каби ҳолатлар бўлган. Узоқ муддатлардан буён фаолият кўрсатмаётган 22 та хўжалик субъектига нисбатан махсус комиссия томонидан фаолиятини давом эттириш “ўринсиз” деб хулоса қилинган<sup>27</sup>.

2016 йилга келиб кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 1967 тани ташкил этди. Шундан, 640 нафари фаолият кўрсатмади<sup>28</sup>. ЎзР ВМнинг<sup>29</sup> 2017 йилдаги Қарорига асосан тугатилган корхоналар ўрнида янгилари барпо этилди. Собиқ “Қувасой чинниси” акциядорлик жамиятида кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бу кичик зона ҳудудида 2,1 млн. долларлик лойиҳа доирасида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган масъулияти чекланган жамият шаклида қўшма корхона ташкил этилди<sup>30</sup>. Қува туманида иккита – 8 гектар ҳамда 1,9 гектар, Ёзёвон туманида эса 4.5 гектардан иборат кичик саноат зоналар ташкил этилди<sup>31</sup>. Янгиланган Ўзбекистонда мамлакатни ривожлантириш, фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Ҳар бир оила тадбиркор” шиори остида чорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш, иссиқхоналар қуриш, боғ ва токзорлар барпо этиш, уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, сартарошлик ва косметолог хизматлари, косибчилик, металл ва тунока буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, миллий ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби тадбиркорлик фаолиятлари учун имтиёзли-мақсади кредитлар берилиши ҳам йўлга қўйилди<sup>32</sup>. Бу тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари дастурамал бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари кўмаги билан

<sup>27</sup> 2010 йил учун Марғилон шаҳар хокимлиги ҳисоботи. Фарғона вилояти ҳокимияти жорий архиви

<sup>28</sup> 2016 йил Фарғона вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохотлар бориши яқунлари таҳлили. Фарғона вилояти ҳокимияти жорий архиви.

<sup>29</sup> “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Lex.uz

<sup>30</sup> Эҳсонов Э. Қувасойга 38,7 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилади // Халқ сўзи. 2019 йил 26 февраль.

<sup>31</sup> Абдурахмонова С. Кичик саноат зоналари // Фарғона ҳақиқати. 2019 йил 4 апрель.

<sup>32</sup> “Ҳар бир оила -тадбиркор” дастури ижроси танқидий таҳлил қилинди //http://www.uzdaily.uz/uz/post/6119. Мурожат қилинган сана 2020 йил 5 август.

савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари очилди, касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланди<sup>33</sup>.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида ўсишга ҳам эришилди. Фарғона водийси дехқонлари ўз миришкорликлари билан донг таратганларини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидан А.Мирзажонов бир тўп ғайноли дарахтига АҚШ, Европа, Узоқ Шарқ, Хитой, Корея каби давлатларидан келтирилган 18 хил дуккакли меваларни улади, 5 сотихли томорқасида турли мева кўчатлари экди<sup>34</sup>. Данғара туманидаги “Данғара агро томат” МЧЖдаги иссиқхонада Голландия, Германиядан келтирилган қизил, сариқ ва қора рангдаги жаҳон бозорида харидоргир бўлган помидорлар етиштириш йўлга қўйилди<sup>35</sup>, РФнинг Волгабўйи, Урал худудларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилди<sup>36</sup>. Бешариқ туман “Бешагро экспорт” хусусий корхонаси Ж. Носиров эса 2019 йилда РФга гилос, олча, олхўри экспорт қилди, ҳамда ўн нафар ишчини иш билан таъминлади<sup>37</sup>.

Бироқ, тадбиркорларнинг маҳсулотларини четга чиқаришда қадоклаш борасида рақобатбардошликнинг йўқлиги, кичик ва хусусий тадбиркорлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлаш ва ташқи бозорга олиб чиқишда имкониятлари тўлиқ ишга сола олмасликлари, қишлоқлардаги кичик тадбиркорликни, асосан дехқон хўжаликлари орасида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг пастлиги каби муаммолар ҳам бор эди.

Диссертациянинг учинчи боби “*Вилоятда тадбиркорликнинг ривожланишида хунармандчилик ва халқаро ҳамкорликни ўрни ҳамда бандлик муаммоси*” деб номланиб, унда Фарғона вилоятида тадбиркорлик борасида халқаро ҳамкорлик алоқалари, миллий хунармандчилик – кичик бизнеснинг таркибий қисми сифатидаги ўрни, вилоятда ишсизлик муаммоси ва уни ҳал этишда тадбиркорликнинг ўрни таҳлил этилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан иқтисодиётни кўтариш, аввало, янги шериклар топиш бўйича чоралар ишлаб чиқилди. Бу борада Фарғона вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса иқтисодиётга хорижий инвесторлар ва технологияларни жалб қилишга жиддий эътибор қаратилди. 1990 йил бошларидан Қўқондаги макарон ва печения маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Истиклол” хусусий фирмасига Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди<sup>38</sup>. Япониянинг Эксимбанки кредити ёрдамида Фарғона ёғ-мой комбинатида совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, Германиядан келтирилган дастгоҳлар асосида Қувада кондитер фабрикаси

<sup>33</sup> Маҳалла – хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази // Халқ сўзи. 2020 йил 5 сентябрь.

<sup>34</sup> Олтиариқда бир дарахтдан 18 хил мева олинмоқда // Халқ сўзи 2018 йил 11 июнь.

<sup>35</sup> Данғарадан – жаҳон бозорига // Фарғона ҳақиқати 2019 йил, 4 апрель.

<sup>36</sup> Бошқирдистон делегацияси – Фарғонада // Фарғона ҳақиқати 2019 йил 14 апрель.

